МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

O'ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI MAHALLA

ЧОРШАНБА

2014 йил 9 июль,
№57 (1024)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Римга қайтганимдан сўнг, 2014 йилнинг 5-6 июнь кунлари «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция муносабати билан Ўзбекистонга ташрифим давомида кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва юксак меҳмондўстлик учун Сизга чин дилдан самимий миннатдорлик изҳор этиш менга қувонч бағишлайди.

Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) ваколатхонаси очилиши тўғрисидаги битимни тайёрлаш жараёнидаги самарали ҳамкорлик учун ФАО томонидан чуқур миннатдорлик билдираман. Бу ўзаро ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сиз билан учрашиш, ўзаро манфаатли масалалар, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифатли овқатланиш, шунингдек, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга доир масалаларни муҳокама этиш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман. Ўзбекистоннинг озиқ-овқат мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва мамлакатингизнинг қишлоқ хўжалиги ва экспорт соҳасидаги улкан салоҳияти аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бераётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистонда соғлом ва баркамол авлод келажагининг кафолатидир.

Сиз конференциядаги нутқингизда эслатиб ўтган тараққиётнинг Ўзбекистонга хос йўли — муҳим беш тамойилга асосланган «ўзбек модели» ҳақида маълумот олганим мен учун ғоят фойдали бўлди. Ташриф давомида ушбу тамойиллар муваффақиятли амалга оширилаётгани билан бевосита танишиш имконига эга бўлганимдан мамнунман.

Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, пухта ўйланган қишлоқ хўжалиги амалиётини қўллаш, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини ФАО ҳамиша қўллаб-қувватлашга тайёр эканини таъкидламоқчиман.

Сизга ФАОни доимо қўллаб-қувватлаб келаётганингиз учун миннатдорлик билдираман. Ўзбекистон Республикаси билан ФАО ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик янада кенг ривожланишига қатъий ишонаман.

Жаноби Олийлари, самимий миннатдорлигим ва чуқур ҳурматимни қабул қилгайсиз.

**Жозе Грациану да СИЛВА,**
**ФАО Бош директори.**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ




■ Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

## Маслаҳатчи — эзгуликда тарғиботчи, ташаббусда етакчи, савоб ишда кўмакчи

**Навоий шаҳрида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди**

***Ҳаётда комиллик сари интилиб яшаган инсон эзгу мақсадларга эришади. Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини айни шу интилишга менгзаш мумкин.***

■ **Холбиби САФАРОВА, Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»**

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Мазкур янгиланишлар намунаси ва фаол иштирокчиси сифатида ўзида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларини жамлаган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг нуфузи ҳам тобора ортиб бораётир. Бунда тизимда фаолият юритаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддилари, хусусан, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг муносиб ҳиссаси бор.

Уларнинг ёшлар тарбияси, ибратли миллий анъаналар ва урф-одатларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш одамларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб, кўмакка муҳтожларга ёрдам беришдек олижаноб амаллари замирида улуғ савоб мужассам.

> [2]

ЭЪТИРОФ

## Маҳобатли мадрасаю миноралар хотирамга муҳрланди

***Умумбашарий маънавий тамаддуннинг бешикларидан бири ҳисобланган Бухоро ўзининг бетакрор обидалари, неча минг йиллик тарихга эга қадим ҳунармандчилик мактаблари ҳамда ривожланган туризм индустрияси билан сайёҳларни ўзига жалб этиб келмоқда.***

■ **Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»**

Истиқлол байрами арафасида янада ўзгача қиёфа ва чирой касб этиб бораётган муқаддас шаҳар меҳмонларга завқ бағишлаб, таассуротларини бойитмоқда.

— Ҳар гал таътилда Шарқнинг бирор-бир давлатига саёҳат қиламан, — дейди ирландиялик Робинс Коннор. — Мана, Ўзбекистонга саёҳатим давомида Тошкент, Самарқанд шаҳарларидан сўнг Бухорога келдим, Хивага ҳам бораман. Қадимий шаҳарларингизни кўриб, очиғи, ҳайратда қолдим: жуда чиройли. Улар Шарқ эртакларини эслатади. Бозорлари тўкин-сочин.

Саёҳатим давомида «Ўзбектуризм» компаниясининг вилоятдаги филиали таклифи билан шаҳар марказидаги стадионда ўтказилган «Биз — буюк юрт фарзандларимиз» фестивалида иштирок этдим. Унда ёшларингизнинг юксак ватанпарварлик руҳи, эртанги кунга интилиши, ҳар бир қобилиятли ўғил-қизнинг бевосита давлат томонидан рағбатлантирилиб, қўллаб-қувватланиши ҳавасимни уйғотди.

> [4]

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

## Соғлом авлод — буюк давлат пойдевори, фаровон ҳаёт асоси

***Фарзанд — киши умрига мазмун бағишлайди, ҳаётнинг давомийлигини таъминлайди. Юртимизда ҳар бир боланинг соғ-омон дунёга келиши, таълим-тарбиясию ижтимоий ҳимояси давлатимиз томонидан кафолатланган.***

■ **Замира ЭСОНОВА, юридик фанлари доктори. Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»**

Айтиш жоизки, жаҳонда ўтган аср ўрталаридан бери келажак ворисларига алоҳида эътибор кўрсатиш, соғлиқларини асраш ва таълим-тарбия олишларини таъминлаш долзарб вазифа сифатида таъкидлаб келинади.

Аммо шунча вақт ўтган бўлишига қарамай, жаҳоннинг турли минтақаларида миллионлаб болалар ҳамон очлик ва турли касалликлардан қийналаётгани, зўравонлик ва одам савдоси қурбонига айланаётгани, уларни экспулатация қилиш ва жиноят оламига тортишдек ачинарли воқеалар кузатилаётгани, афсуски, айни ҳақиқат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, глобаллашув жараёни кузатилаётган бугунги кунда ҳам дунёдаги ўн миллионлаб бола таълим олишдан маҳрум, умумий ҳисобда 61 миллионга яқин ўғил-қиз ўқиш ва ёзишдан мутлақо бенасиб. Саводсизлик болаларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатиши тайин. Қолаверса, аҳолининг маълумот даражаси нафақат мамлакат халқи моддий фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи, балки ҳар бир жамият тараққиётини белгиловчи асосий омиллардандир.

Шу боис истиқлол йилларида юртимизда ўғил-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз бошчилигида болаларнинг ҳар томонлама соғлом ўсиб-улғайиши учун барча имкониятлар яратилди.

> [3]

МУЛКДОР ОИЛА

## Тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳар соҳада қўл келмоқда

***Китоб туманидаги Бештерак қишлоғилик тадбиркор Жасур Валиев ўз муваффақиятларини Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва ваколатлар, мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар билан боғлайди.***

■ **Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»**

— Балиқчиликка қизиқишим боис, яхши ният билан қишлоқ фуқаролар йиғини раисига учрашдим, — дейди тадбиркор. — Оқсоқол билан бирга Китоб тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига бориб мақсадимизни айтдик. Уларнинг ёрдамида ҳужжатлар тайёрланди ҳамда «Валиев Жасур Акрамович» хусусий корхонаси ташкил этилди. «Мулкдор оила» лойиҳаси орқали тижорат банкининг имтиёзли кредитини қўлга киритдик. Акам, укам ва турмуш ўртоғим иш билан таъминланди.

Шу билан Сафарча қишлоғидаги 13 гектар жойни эгаллаган табиий кўлда балиқ етиштирила бошланди. Оилавий тадбиркорларнинг таъкидлашича, табиий сув ҳавзасида етиштирилган балиқлар тез ўсади, маҳсулотнинг сифати ортади.



> [3]

«ЁЗ — 2014»

## Қувноқ қалблар қувончи

***Ёз мавсумини сув ҳавзалари, сўлим оромгоҳлар қўйнида ўтказиш мароқли. Бугун жилваланиб оқаётган ариқлар, хиёбону истироҳат боғлари ҳар қачонгидан-да гавжум, файзли.***

■ **Расул КАМОЛ «Mahalla»**

Хусусан, Фарғона шаҳрида ҳам болаларнинг ёзги таътилларини кўнгилдагидек ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, хиёбонлар янги аттракционлар билан бойитилган.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими тасарруфидаги «Болажон» аквапаркида ҳар куни болаларнинг қувноқ ўйин-кулгиси янграб туради. Бу ерда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари сув ҳавзаларида чўмилиб, турли кўнгилочар машғулотларда иштирок этиш имкониятига эга. Асфальтга расм чизиш, «Ким эпчилу ким чаққон», «Эртак қаҳрамонларини биласизми?» мавзуларидаги қизиқарли ўйин ва танловлар кичкинтойлар фаоллигини оширмоқда. Малакали устоз-мураббийлар томонидан сув ҳавзаларида чўмилиш қонун-қоидаларига доир кўрсатма ва йўл-йўриқлари ёшларни сув спортига қизиқтиришда қўл келмоқда.

> [4]

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

## Демократик жараённинг умумэътироф этилган мезони

***Жорий йилнинг 6 май куни кучга кирган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг янги даврини бошлаб берди.***

■ **Наргиза ҲУСАНОВА.**

Зотан, фуқароларнинг ахборотдан фойдаланиши замонавий демократик давлат фаолиятининг умумэътироф этилган мезонларидандир.

Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятидан жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартиблари аниқ белгилаб берилган. Галдаги вазифа эса фуқароларга қонун билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари, шунингдек, мажбуриятлари ҳақида кенг тушунча берадиган тарғибот ишларини изчил олиб боришдан иборат. Мазкур қонуннинг жамият ҳаётида амал қилишига эришиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тарғибот-ташвиқот ишлари тизимли тарзда йўлга қўйилган.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани «Университет» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Малика Бобоқулованинг таъкидлашича, ушбу қонун тарғиботи юзасидан ўтказилаётган тадбирларда кўпчилик фаол иштирок этаётир. Ташаббускор талабалар, ҳуқуқшунос мутахассислар иштирокида замонавий ахборот коммуникация технологиялари, кўргазмали воситалардан фойдаланган ҳолда ўнга яқин давра суҳбатлари ўтказилган. Иштирокчиларга маҳалла фаоллари тайёрлаган буклет ва услубий қўлланмалар тарқатилди.

— Янги қонун моҳияти тарғиботига бағишланган тадбирларда қатнашиб, кўпгина янгиликлардан бохабар бўлдим, — дейди маҳалла фаоли Наргиза Толибаева. — Дарҳақиқат, қонунда кўзда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларимизни қарор топтириш жамиятимизда мавжуд муаммоларни, уларни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этишга ҳамда келгусида бундай камчиликларга йўл қўйилмасликка замин яратади. Зеро, давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқи, ўз навбатида, жамоат назоратининг ўрнатилишида ҳам муҳим омилдир.

Маҳалла аҳлининг мазкур қонун ҳақида ўз фикр-мулоҳазасини дадил баён этиши уларнинг қонун мазмунини англаб етганидан, ҳуқуқий саводхонлиги ошганидан далолат беради. Жамиятда ҳуқуқий маданият қанчалик юқори бўлса, давлатнинг демократик тамойилларга содиқлиги шунчалик мустаҳкамланади. Президентимиз «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таъкидлаганларидек, «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир».

Айтиш жоизки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви фаолиятининг очиқлиги борасида миллий қонунчиликдаги янгилик хусусида тарғибот ишларини айнан маҳаллалар доирасида олиб бориш кўпроқ самара беради. Шу жиҳатдан қараганда, турли тарғибот-ташвиқот тадбирларида маҳалланинг кенг ва таъсирчан имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»

# Турнир янги иқтидорларни кашф этди

***Маҳаллаларда спортнинг оммавий турларини кенг тарғиб қилиш, ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» турнири қизғин давом этмоқда.***

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ**
**«Mahalla»**

Мусобақанинг Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳар босқичларида 401 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан 9-10 ёшли болалар ўртасида 778 та, 11-12 ёшлилар ўртасида 772 та ҳамда 13-14 ёшлилар ўртасида 774 та футбол жамоаси иштирок этди. Жамоалар аъзоларининг 608 нафари кам таъминланган оилалар фарзанди, 9 нафари эса тарбияси оғир бола эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Турнир, айниқса, чекка ҳудудлардаги овул фуқаролар йиғинларидаги иқтидорли ёшларни саралаш, уларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мусобақаларда Тўрткўл тумани «Марказобод» маҳалла фуқаролар йиғини, Хўжайли тумани 15-сонли маҳалла фуқаролар йиғини, Чимбой туманидаги «Темир жол» маҳалласи футбол жамоалари ўзининг пухта тайёргарлигини намоён этди.

Ғайратли, маҳоратли футболчиларни тарбиялаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ жойларида 15 та, шаҳар ҳудудида иккита футбол майдончаси барпо этилган. Шунингдек, республикадаги 3158 та спорт иншооти, 623 та спорт зали ва 2435 та спорт майдончаси ёшларнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиши учун хизмат қилмоқда.

Айни пайтда ёш чарм тўп усталари «Футболимиз келажаги» турнирининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичига жиддий ҳозирлик кўришмоқда.

ЭЪТИРОФ

# Маҳобатли мадрасаю миноралар хотирамга муҳрланди

< [1]

Менга ёққан яна бир жиҳат бу — юртингиздаги тинчлик-осойишталик. Тун ярмида ҳам қадимий шаҳар кўчалари бўйлаб бемалол сайр қиласиз. Дунёнинг қатор мамлакатларида нотинчлик ҳукм сураётган, бузғунчилик хуружлари давом этаётган бир пайтда Президентингизнинг доно сиёсати туфайли тинчлик барқарор бўлиб, халқингиз хотиржам ва фаровон турмуш кечираётгани — улкан бахт.

— Мамлакатингизда ёшларни маънавий ва жисмоний етук, миллат тараққиётига ўз ҳиссасини қўша оладиган баркамол авлод қилиб тарбиялашга қаратилаётган катта эътибор таҳсинга лойиқ, — дейди таълим йўналишига оид халқаро конференция доирасида Бухорога ташриф буюрган Голландиянинг «Fontis» университети профессори Кис Ладаж. — Бу юртда таълим соҳасидаги кўпгина илғор тажрибалар билан бирга, фақат Ўзбекистонга хос анъана — «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги менга маъқул бўлди. Мазкур тизимга асосан, болаларнинг мактабдаги давомати, дарсларни ўзлаштириши, хулқ-атвори нафақат ота-она ёки таълим муассасаси, балки маҳалла, яъни ўша бола яшаётган ҳудуд вакиллари назоратида ҳам бўларкан. Ҳатто сизларда «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган мақол бор экан. Тан олиш лозимки, Европада болаларнинг ўқиши, мактабда, бўш вақтда фойдали ишлар билан шуғулланишга ота-оналар вақт тополмайди. Сизда эса, бутун бир маҳалланинг бола тарбиясига куюнчаклиги эътиборга лойиқ. Шуларни ўйларканман, Ўзбекистоннинг ёрқин келажагини тасаввур қилдим. Ахир, болаларга эътибор мамлакат келажагининг пойдевори ҳисобланади-да.

— Юртингизнинг туристик салоҳиятини ўрганиш лойиҳаси бўйича Бухорода бўлиб турибман, — дейди БМТнинг Бутунжаҳон туристик ташкилотлари экспертлари уюшмаси вакили Ясбек Мунир. — Бухорони томоша қилиб, уни тасаввуримдагидан ҳам гўзал шаҳар эканига гувоҳ бўлдим. Маҳобатли мадрасаю масжидлар, карвонсаройлар, савдо расталари, миноралар, эмин-эркин ишлаб турган ҳунарманду косиблар, минглаб осори-атиқаларни ўзида жамлаган музейлар — буларнинг бари хотирамда бир умрга муҳрланиб қолади. Мен қадимий шаҳарда ҳаёт қайнаб турганига, ўтмиш ва цивилизация ёнма-ён яшаётганига гувоҳ бўлдим. Халқингиз неча асрлардан буён қад ростлаб турган обидаларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган экан. Сайёҳлик бўйича мутахассис бўлганим боис яхши биламан: бундай маҳобатли тарихий ёдгорликларни барпо этиш жуда катта ақлий салоҳиятни, билимни талаб этади. Бинобарин, Шарқ меъморчилик санъатининг ноёб дурдоналарини яратган аждодларингиз билан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди.


Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Дарвоқе, ана шу бунёдкор аждодлар руҳи бугун ҳам қайта жонланганига сафар давомида ишонч ҳосил қилдим. Шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Қишлоқларда намунавий уйлар қад кўтармоқда. Бугун жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатлари аҳолиси шахсий уй-жой қуришдан қочиб, фирмалар тақдим этадиган уйларда ижарада истиқомат қилишади. Уй улар учун оддий бошпана, холос. Эртанги кун эса уларни кўпам қизиқтирмайди. Юртингизда эса ҳар бир оила бошлиғи фарзанд ва неваралари учун ўзи иморат тикларкан. Бу халқингизнинг ўз хонадонини, оиласини улкан қадрият сифатида эъзозлашининг, фарзандлари истиқболига куюнчаклигининг, ишончининг тимсолидир.

«ЁЗ — 2014»


ЎзА олган сурат.

# Қувноқ қалблар қувончи

< [1]

— Бу ерда болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча қулайликлар муҳайё этилган, — дейди «Болажон» аквапарки раҳбари Йўлбарс Исмоилов. — Дам олиш оромгоҳлари, хусусан, мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда ҳордиқ чиқараётган болажонлар ҳам аквапаркка олиб келинади. Мавсум давомида Марғилон, Қувасой шаҳарлари, Тошлоқ, Олтиариқ туманидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида шахмат, шашка, стол тенниси, кураш ва сузиш бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолибларга 1 миллион сўмдан ортиқ кийим-кечак, спорт анжомлари совға қилинди. Шунингдек, «Манфтункор ранглар олами» кўрик-танлови иштирокчилари доимий рағбатлантириб борилади. Бу ерда бир кун мобайнида 300 нафардан зиёд бола ҳордиқ чиқаряпти.

Фарғона шаҳар Қувасой кўчасида тадбиркор Исмоилжон Назаров ташаббуси билан барпо этилган истироҳат боғи ҳам шу кунларда болалар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум. Миллий ва замонавий меъморчилик андозалари уйғунлашган бино, аттракционy фавворалар, сув ҳавзалари кичкинтойлар хизматида.

— Болалар истироҳат боғига кирган кишининг дили яйрайди, — дейди «Янги сой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмонжон Мирзараҳимов. — Тартиб билан ўрнатилган замонавий аттракционлар, автодром, спорт машғулотлари зали, ўқ отиш, компьютер ўйинлари, сунъий қопламали футбол майдони, рангли фавворалар соя-салқин жойларда дам олаётган болажонлар, ота-оналарга завқ-шавқ улашмоқда.

Ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод камолоти учун яратилган бундай қулайликлар истиқлолнинг қутлуғ туҳфаси сифатида катта- кичикнинг кўнглини хушнуд этиб, ёз мавсумидаги бўш вақтларини мазмунли ўтказиш имкониятини бермоқда.

БОЛАЛАР СПОРТИ

# Мусобақада кучлилар сараланди

***Шўрчи тумани «Ёшғайрат» маҳалла фуқаролар йиғинида 28-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 37-умумтаълим мактабининг 1998-2000 йилларда туғилган ўқувчилари ўртасида бадминтон ва мини футбол бўйича мусобақалар ташкил этилди.***

**Нигина ШОЕВА**
**«Mahalla»**

— Ёшларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб улғайиши учун уларга шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадга мувофиқ, — дейди маҳалла раиси Ўрол Шерхонов. — Маҳалла ёшларининг аксарияти ҳудудимиздаги 28-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спортнинг 15 та тури билан шуғулланишади. Шундай бўлса-да, уларни спортга янада кенгроқ жалб этиш, ғайратли ёшларни рағбатлантириш учун маҳаллада мусобақа ва турнирлар ўтказиб турилади. Мусобақаларда, шунингдек, катта ёшлилар, хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этади.

Бадминтон мусобақасида ғолиблик ўринлари Ҳусниддин Хурсанов, Отабек Шерхонов ва Азамат Хурсановга насиб этди. Мини футбол мусобақасида биринчи ўринни 28-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 3-жамоаси, иккинчи ўринни 37-умумтаълим мактаби жамоаси, учинчи ўринни эса 28-спорт мактабининг 1-жамоаси қўлга киритди.




# Келишув имзоланди

***Американинг «World Eco Energy» компанияси Эрон билан биоёнилғи ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилиш бўйича дастлабки келишувни имзолади.***



«ISNA» тарқатган хабарга кўра, тегишли шартномага мувофиқ хорижий фирма Эронга 1,175 млрд. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритади. Унинг асосида мамлакат жануби-ғарбида ёнган чиқиндидан фойдаланиб электр энергияси оладиган корхона барпо этилиб, 600-700 та иш ўрни яратилади. «World Eco Energy» компанияси корхонадан ҳар куни 250 мегаватт энергия олади.

Лойиҳа жорий йилнинг сентябридан бошлаб ҳаётга татбиқ этилади.

# Офатларнинг иқтисодий оқибатлари

***Жаҳон банки таҳлилчиларининг ҳисоб-китобларига кўра, сўнгги 30 йил мобайнида рўй беган табиий офатлар туфайли дунё иқтисодиёти 4 трлн. АҚШ доллари миқдорида зиён кўрган.***

Бу ҳақда халқаро молия ташкилоти ўзининг йирик табиий офатларнинг жаҳон иқтисодиётига етказган зарари тўғрисидаги ҳисоботида қайд этган. Иқлим зарбаларидан, асосан, қашшоқ мамлакатлар кўп талафот кўрган. Улар учун офатларнинг оқибатларини бартараф этиш оғир бўлиб, бу жараён кўп вақтни талаб қилган.

Жаҳон банки табиий офатлар оқибатида юзага келган муаммоларни бартараф этишдаги мавжуд ёндашувни самарасиз, деб ҳисоблайди. Шу боис ҳукуматларга табиий офатларни прогноз қилишга катта эътибор қаратишни ва уларга тайёр туришни тавсия қилади.

# Энг кам иш ҳақи белгиланди

***Германияда илк бор энг кам иш ҳақи соатига 8,5 евро этиб белгиланди.***

Мамлакат қуйи палатаси — Бундестаг кўп йиллик баҳслардан сўнг Германия тарихида илк бор энг кам иш ҳақи миқдори тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Энди Федераль йиғиннинг юқори палатаси — Бундесрат жорий ҳафтада мазкур қонунни маъқуллайди.

Янги қонунга кўра, 2015 йил 1 январдан эътиборан ёлланиб ишлайдиган мамлакат аҳолисининг энг кам иш ҳақи соатига 8,5 еврони ташкил қилиши лозим. Бироқ қонун 18 ёшдан кичикларга, узоқ вақт ишсиз ўтиргач, меҳнат бозорига қайтган ва дастлабки олти ой ишлаётганларга татбиқ этилмайди. Шунингдек, яна бир қатор соҳа вакилларига ҳам янги тартиб асосида ҳақ тўланмайди.

Бундай қонун ҳозирда Европа иттифоқидаги 28 давлатдан 21 тасида мавжуд. Кўҳна қитъа бўйича меҳнатга энг юқори ҳақ Люксембургда (соатига 11,10 евро), энг кам ҳақ эса Болгарияда (соатига 1,04 евро) тўланмоқда.

**Интернет материаллари асосида**
**Лазиза ОЛЛОЁРОВА тайёрлади.**

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

# Баҳсларда чиниққан беллашувда ютқазмайди

***Наманганда маҳалла ёшлари ўртасида спортни оммалаштириш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва иқтидорли спортчи ёшларни кашф этиш мақсадида ташкил этилган «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 13-14 ёшли ўсмирлар ва қизлар гиламга тушди.***


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Фарҳод ҚОДИРОВ**
**«Mahalla»**

— Айнан бундай баҳсларда чиниққан ёшлар кейинчалик спортда улкан ютуқларни қўлга киритишмоқда, — дейди белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров. — Мен истиқомат қилаётган Тўрақўрғон тумани Сайрам қишлоғидаги «Чустқўприк» маҳалласи вилоятда спортчилар маҳалласи, дея ном қозонган. Шуҳратжон Бозоров, Адҳамжон Ҳамроев каби таниқли курашчилар тарбиясини олаётган ёш маҳалладошларимнинг муваффақияти билан фахрланаман. Бу йилги «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаси иштирокчилари орасидан ҳам келажакда юртимиз довруғини дунёга таратадиган моҳир спортчилар етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Дарҳақиқат, жорий йилда мазкур турнирнинг туман ва шаҳар босқичлари қизғин кечди. Уларда зафар қозонган 50 нафардан зиёд ёш полвон олти вазн тоифасида вилоят ғолиблиги учун беллашди.

Натижаларга кўра, турли вазн тоифаларида Поп туманидан Мардон Турсуналиев, Мунира Раҳимова ва Ҳуррият Турсуналиева, Наманган шаҳридан Босит Ҳотамжонов ва Осим Дадажонов, Зулфия Ўрозбоева биринчи ўринни эгаллаб, турнирнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлимининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

# Дориламон кунлар қадри

***Кексаларимиз дуога қўл очганда тинчлик ва осойишталикни тилашади. Зотан, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган ёши улуғлар бугунги дориламон кунларнинг қадрини ёш авлоддан кўра чуқурроқ ҳис этишади.***

**С. МАХСУМОВА**
**«Mahalla»**

Ёшларни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда уларнинг умр йўллари ибратдир.

Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шайхонтоҳур тумани бўлинмаси ҳамда фуқаролар йиғини фаоллари пойтахтимизнинг «Ўрда» маҳалласида қарилик гаштини сураётган Анна Луценкони муборак 100 ёши билан қутлаш учун онахоннинг хонадонига ташриф буюрдилар.

— Халқимизнинг бугунги фаровон турмуши тинчлик туфайлидир, — дейди А.Луценко. — Очарчиликни ҳам, урушни ҳам кўрдик. Айниқса, эркинлигинг ўз қўлингда бўлмаса, бундан ёмони йўқ экан. Юртбошимиз бошчилигида асрлар давомида орзу қилинган ҳаётга эришдик. Ўсиб келаётган авлод буни кўз қорачиғидек асраб-авайлаши шарт. Чунки шундай дориламон кунларга осонликча эришилгани йўқ.




Кексалар ҳолидан хабар олиш, улар қалбига хушнудлик улашиш кундалик вазифаларимиздан десак, янглишмаймиз. Ўрдаликларнинг хайрия тадбири Анна холанинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Фонд томонидан онахонга эсдалик совғалар, озиқ-овқат маҳсулотлари туҳфа этилди.

ЭЪЛОН

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти томонидан 2011 йил 27 июнда Хаитова Хайринисо Илхомовна номига берилган В №040049 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Mahalla» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Самарқанд вилояти бўйича собиқ мухбири
**Ўктам ҚУРБОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: М.Латипова
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашр кўрсаткичи: 148 | 20745 нусхада чоп этилди. Буюртма S-350 | Топшириш вақти — 21.00 | Топширилди — 21.00

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Маслаҳатчи — эзгуликда тарғиботчи, ташаббусда етакчи, савоб ишда кўмакчи

## Навоий шаҳрида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди



< [1]

Шунингдек, бугун маслаҳатчилар эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни бартараф этиш, тўй-маросимларни ихчам ҳамда тартибли ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатлари билан ҳам халқимиз ишончини қозониб улгуришган.

Фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими бундан 10 йил олдин давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида жорий этилган эди. Айни пайтда ушбу лавозимда катта ҳаёт тажрибасига эга, аҳоли, энг аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий, диний анъана ва урф-одатларни ривожлантириш борасида ижобий таъсир кўрсата оладиган 8 ярим минг нафардан зиёд фаол, фидойи хотин-қиз самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бугун улар ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларнинг олдини олиш, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, миллий анъаналар, урф-одатларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда бош-қош бўлишдек муҳим юмушларнинг фаол ижрочисидир.

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан ўтган йили республикамиз бўйича 6 миллионга яқин оилаларнинг ижтимоий-маънавий ҳолати ўрганилди. Шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти бўйича юз мингга яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Аҳолининг маърифий-маданий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятлар, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган 500 мингдан зиёд тадбир ўтказилди.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинларида ташкил этилган «Ота-оналар университетлари» томонидан ота-оналарнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимларини ошириш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида 26 мингга яқин тадбирнинг ўтказилишида маслаҳатчилар бош-қош бўлишди. «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида 30 мингдан ортиқ учрашувни ташкил этишда ҳам уларнинг кўмагига таянилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича 24 мингдан ортиқ тарғибот ишлари ташкил этилди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танлови эса маслаҳатчиларнинг илғор иш тажриба ва ютуқларини оммалаштиришда муҳим омил бўлаётир.

Мазкур танлов «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Дин ишлари бўйича қўмита, Касаба уюшмалари Федерация Кенгаши ҳамда Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этиб келинмоқда. Бу йилги кўрик-танлов Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 25 февралда тасдиқланган «2014 йилда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастур доирасида ўтказилди.

Жорий йилнинг апрель ойида танловнинг туман, шаҳар босқичлари, май-июнь ойларида эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари ўтказилди.

Танловнинг республика босқичи, аввалгиларидан фарқли ўлароқ, бу йил Навоий шаҳрида уюшқоқлик билан ташкил этилди.

2014 йилнинг 1 июль тонгида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви масъуллари бошчилигидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф буюрган иштирокчилар ва меҳмонлар Навоий темир йўл вокзалида вилоят ҳокимлиги ва Фонднинг вилоят бўлими вакиллари томонидан тантанали кутиб олинди.

Меҳмонларнинг вилоятга сафари Нурота туманидаги табаррук қадамжо — «Чашма» тарихий мажмуасини зиёрат қилишдан бошланди.

— Мазкур зиёратгоҳ ҳақида манбалардан ўқиган эдим, танлов доирасида шундай қутлуғ масканда бўлганимдан хурсандман, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги «Бўз овул» маҳалласи маслаҳатчиси Камила Айтимбекова. — Муқаддас гўшаларни ўз кўзимиз билан кўриш, улар ҳақидаги маълумотлар билан танишишнинг завқи ўзгача. Бу, албатта, миллий қадриятларимизнинг нақадар улуғлигини, тарихимизнинг муқаддаслигини яна бир бор англатиб, шунга муносиб фаолият юритиш учун зиммамизга улкан масъулият юклайди.




— Мен Навоий вилоятининг бу қадар ободлигини кўрмагандим, — дейди яна бир суҳбатдош Фонднинг Андижон вилояти бўлими бош мутахассиси Одина Ибрагимова. — Биринчи галда Навоий шаҳрининг озодалиги, замонавий ва кўркам биноларини кўриб ҳайратим ошди, элимизнинг бунёдкорлигига яна бир бор қойил қолдим. Танлов аввалида Нуротага сафаримиз эса бой таассуротлар қолдирди. Зеро, ҳамиша улуғ ишлар олдидан эзгу амаллар бажарилади, деб бежиз айтилмаган. Зиёрат ҳам эзгу амалдир.

Меҳмонлар Кармана туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлишди. «Дўстлик»да 250 та намунали лойиҳа асосида қурилган уй-жой, янги маҳалла гузарида новвойхона, тикув цехи, гўзаллик салони, дорихона, ҳаммом, савдо дўконлари, бозор бунёд этилган. Хуллас, қишлоқдаги обод маскан меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Маҳалла фуқаролар йиғини мажлислар залида бўлиб ўтган учрашувда Кармана тумани ҳокими Шарофиддин Исматов ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорликлар ҳақида гапириб, барча хайрли ишлар бошида, албатта, маҳалла фаоллари турганини алоҳида таъкидлади.

Тадбир доирасида иштирокчилар ушбу маҳаллада жамоатчилик комиссиялари фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Маслаҳатчилар ва Фонд бўлимларининг бош мутахассислари учун ташкил этилган семинар-тренингда Фонднинг Қизилтепа тумани бўлинмаси бош мутахассиси Санобар Садирова ўз иш тажрибаларини иштирокчилар билан ўртоқлашди.

— «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичи доирасида биринчи марта бундай семинар-тренинг ташкил этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Икки ой аввал Фонднинг Навоий вилояти бўлимида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб ўргандик. Шу жараёнда Фонднинг Қизилтепа тумани бўлинмасида «Ота-оналар университети», «Оталар мактаби», «Оналар мактаби» каби жамоатчилик тузилмаларининг фаолияти ибратли ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Шундан келиб чиқиб, бугун бўлинманинг ана шу тажрибаларини кенг ёйиш мақсадида семинар-тренинг ўтказишга қарор қилдик.

— Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмалар катта ўрин ҳамда таъсирга эга, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқаруви раиси Нормурод Исоқов. — Айни чоғда маҳалла раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзоларининг тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ҳушёрлик ва огоҳликни мустаҳкамлашдаги масъулиятини янада ошириш айни муддаодир. Ёшларимизни, айниқса, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳ ва оилавий низоларнинг олдини олиш, маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда тажрибали маҳалла фаолларининг ёрдами асқотади. Шу маънода ушбу танловнинг ўрни ва аҳамияти юқори. Унинг республика босқичи ҳудудларда ўтказилаётгани эса жойларда маслаҳатчилар фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

2014 йил 2 июль, соат 9.00. Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройи биноси ҳар доимгидан-да гавжум. Карнай-сурнай садолари остида миллий либосдаги қизлар меҳмонларни тавозе ва гуллар билан кутиб олаётир. «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчилари ва меҳмонларнинг юз-кўзида байрамона кайфият ҳукмрон.

Таъкидлаш жоизки, пухта ҳозирлик ва юқори савияда ўтказилаётган ушбу анъанавий кўрик-танлов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги танловлар орасида энг нуфузли тадбирлардан бирига айланди.

Бу йил танловда иштирок этган маслаҳатчилар сони ҳар йилдагидан ҳам кўпроқ. Мисол учун, ўтган йили танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 7,8 минг нафардан ортиқ маслаҳатчи қатнашган бўлса, бу йил уларнинг сони 8,5 минг нафардан ошди. Шундан ҳам билиш мумкинки, ушбу танлов маслаҳатчилар учун илғор тажрибаларни оммалаштиришда қўл келяпти, қолаверса, уларнинг мазкур танловда иштирок этишга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётир.

Танловнинг Республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 1-ўринга сазовор бўлган 14 нафар маслаҳатчи 2 та шарт асосида ўзаро беллашди.

...Меҳмонлар келиши давом этмоқда. Сарой фойесидаги фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир кўргазмалар таклиф этилганларда катта қизиқиш уйғотди. Миллий ҳунармандчилик намуналаридан иборат кўргазмаларда халқимизга хос қадриятлар нечоғли сермазмун, миллий маданиятимизга уйғунлигидан кўнгиллар фахр ва ифтихор туйғуларига тўлади.

Тадбирда республика ташкилий қўмитаси аъзолари, вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва ҳамкор ташкилотлар масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган меҳмонлар, Навоий вилоятининг туманларида хизмат қилаётган маҳалла фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тантанали тадбирни «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов кириш сўзи билан очди.

...Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Танловнинг биринчи шартида иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сонли қарори билан тасдиқланган Намунавий низомлар ҳамда «Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида»ги Низомда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширган ишлари тақдимотини ўтказишди.

Республика ташкилий қўмитаси томонидан ҳар бир маслаҳатчи учун уларнинг вазифаларидан келиб чиқиб, алоҳида тақдимот йўналиши белгиланди. Бу шартда маслаҳатчилар маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларимизни тарғиб этиш, тўй-ҳашам ва маросимларни ихчамлаштириш, шунингдек, маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларни келтириб чиқарадиган сабабларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш жараёнларини амалий мисоллар ёрдамида намойиш этишди.

Эътибор беринг-а, 20 та оилани яраштиришга эришган, 15 та оилада тадбиркорликни йўлга қўйишга ёрдам берган, ҳудуддаги ҳар бир оилани ўрганган... Эҳ-ҳе, танловда қатнашаётган жонкуяр ва фидойи маслаҳатчи опаларнинг амалга оширган эзгу ишларининг саноғига етиш қийин. Дарҳақиқат, аҳолининг маҳалла тизимида фаолият юритаётган ана шундай жонкуяр инсонларга ишончи тобора ортиб бораётгани бежиз эмас.

Танлов иштирокчиларининг тақдимотлари қонунийлик, ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида баҳоланди.

Иккинчи шартда маслаҳатчиларнинг дунёқараши, фикрлаш қобилияти ва мулоҳаза юритиш даражасини баҳолаш, шунингдек, кундалик турмушда учрайдиган муаммоларга қай тарзда ечим топа олишларини аниқлаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги билимлари савол-жавоб тарзида баҳоланди.



Тизимга оид янги таҳрирда қабул қилинган иккита қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқий ваколатлари ортиб, фаолияти доираси янада кенгайди. Танлов иштирокчиларининг айни шу ўзгаришларни яхши билиши ҳудудларда муаммоларнинг ўз вақтида ечим топишига хизмат қилади. Шунинг учун танловни баҳолаш мезонларига айни шу ўзгаришлар инобатга олинган ҳолда янгиликлар киритилди.

Маслаҳатчи, бир сўз билан айтганда, фикр-мулоҳазали, дунёқараши кенг, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила оладиган адолатли шахс бўлмоғи шарт. Шу боис нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов иштирокчиларига тизимга оид берилган саволларга улар ҳозиржавоблик билан ўз фикрини билдиргани эътиборга молик.

Танлов шартлари тугагач, энг ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Йиғилганлар ҳакамлар ҳайъатининг якуний хулосасини интиқлик билан кутишарди. Ва, ниҳоят, ҳайъат аъзолари маслаҳатчиларнинг танлов шартлари асосида йиғилган балларини эълон қилди.

Ҳаяжонли дақиқалар. Намунали маслаҳатчиларнинг номлари жаранглади: Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Ертепа қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Латофат Чориева 3-ўрин... Тошкент вилояти Пскент тумани Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ҳуринисо Аҳмедова 2-ўрин... ва ниҳоят, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги «Дўрмон» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Саломат Комилова биринчи ўрин!..

Залда гулдурос қарсаклар янграДи. Барча қатори биз ҳам танлов ғолибларини қутлагани, уларнинг қувончларига шерик бўлгани ошиқдик.

— Маҳаллада фаолият юритаётган маслаҳатчилар эзгулик тарғиботчиси бўлиши лозим, — дейди танлов ғолибаси Саломат Комилова. — Бироқ ушбу кўрик-танлов орқали ҳали бажаришим лозим бўлган ишлар кўлами ниҳоятда кенглигини, зиммамиздаги долзарб вазифалар улкан масъулият талаб этишини, ютуқлар билан овуниб қолмаслик, камчиликларга муросасиз бўлиш лозимлигини теранроқ ҳис қилдик. Бир жиҳатдан уч босқичли тизимда ўтказилган бу танловни «тажриба майдони», деб атасак, ўринли бўлади. Бу тажрибаларни ўз фаолиятимизда қўллай билиш биз учун аҳамиятлироқ. Бундай кўрик-танловлар маслаҳатчилар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, қўшимча куч ва ғайрат бағишлайди, албатта.

Танловда, шунингдек, «Вояга етмаганлар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдаги фаоллиги учун», «Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаганлиги учун», «Маҳаллада оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги фаоллиги учун» сингари қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

— Маҳалламизда 615 та оилада 2120 нафардан зиёд киши истиқомат қилади, — дейди танловда иккинчи ўринга лойиқ топилган Ҳуринисо Аҳмедова. — Оилалар тинчлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида олиб борган маънавий-маърифий тадбирларимиз натижасида сўнгги икки йил мобайнида ҳудудимизда вояга етмаганлар ва хотин-қизлар ўртасида умуман жиноят содир этилмади.

Дарҳақиқат, эътибор ва рағбат улкан муваффақиятларга йўл очади. Истиқлолимизнинг 23 йиллиги арафасида ўтказилаётган танлов доирасида мустақиллигимизни мустаҳкамлашда маҳалла фаоллари, хотин-қизлар, айниқса, маслаҳатчиларнинг ўрни қандай, деган саволга муносиб жавоб олинди.

Йилдан-йилга такомиллашиб бораётган мазкур кўрик-танлов нафақат саъй-ҳаракатлар ва ютуқлар кўламини белгилаш, балки ўзаро фикр алмашиш ҳамда тажриба орттириш мактаби ҳамдир. Бу галги тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган маслаҳатчилар ўз вазифаларини пухта ўзлаштириб, ҳудудда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларда ташаббускор ва фидойи эканини намоён этдилар. Уларнинг илғор иш тажрибаларини барча маҳаллаларда кенг оммалаштириш, қолаверса, фаолиятини ҳар томонлама тўғри ва самарали ташкил қилгани учун муносиб рағбатлантиришда мазкур тадбир ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

...Гулдурос қарсаклар билан танловнинг ғолиб, совриндорларига диплом ва совғалар топширилди: 3-ўрин эгасига телевизор ва мобиль алоқа воситаси, 2-ўрин соҳибасига мебель жамланмаси ҳамда мобиль телефон, мутлақ ғолибга эса учта замонавий тикув машинаси ва уяли телефон. Шунингдек, Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан ҳар бир иштирокчига Алишер Навоийнинг 4 томлик «Девон»и ҳамда вилоят тарихи ва бугуни ҳақида маълумот берувчи «Навоий» китоби эсдалик сифатида тақдим қилинди.

Ҳа, «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танлови кўтаринки руҳда якун топди. Саҳнада эса байрам шодиёнаси давом этмоқда. Дилбар куй ва рақслар барча иштирокчиларнинг қувончига қувонч қўшмоқда. Зеро, бундай танловлар қатнашчиларга ўзаро иш услублари билан ўртоқлашиш, фикр алмашишга имкон беради. Кўрик-танлов жараёнида ўрганилган тажриба барчанинг ютуғидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова ҳамда Навоий вилояти ҳокими Эркин Турдимов иштирок этди ва сўзга чиқди.



■ Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

# Соғлом авлод — буюк давлат пойдевори, фаровон ҳаёт асоси



ЎзА олган сурат.

< [1]

Ушбу шарт-шароитларнинг қонуний асослари мустаҳкамлаб қўйилди. Чунончи, Конституциямизда ёш авлоднинг тенг ҳуқуқлилиги мукаммал тарзда ифода этилган. Бош Қонунимизнинг 65-моддасига мувофиқ, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насаби, фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. 64-моддага биноан, давлат ва жамият етим ҳамда ота-оналарининг васийлигидан маҳрум болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия ишларини рағбатлантиради.

Мустақилликнинг илк даври — 1992 йилданоқ давлатимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, барча ўғил-қизларнинг тенглиги ва уларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларини бартараф этиш, болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш бўйича давлатларнинг аниқ мажбуриятлари белгилаб берилган «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияси ратификация қилингани ҳам болажон халқимизнинг мақсад-муддаоларига ниҳоятда ҳамоҳангдир. Мазкур Конвеция иштирокчиси бўлган давлатлар ўз таъсир доирасида бўлган ҳар фарзанднинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаб бериши қайд этилган. Давлатимизнинг бола ҳуқуқлари доирасида амалга ошираётган сиёсати, ушбу Конвенциянинг барча қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини тўла-тўкис бажараётгани юртимизда демократия тамойилларининг нақадар мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг бош мазмун-моҳияти кейинчалик қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Оила кодексларида ҳам ўз ифодасини топди. Меҳнат, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят кодекси, «Фуқаролик тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларида ҳам бола ҳуқуқларига, уларни ҳимоялаш шаклларига оид қоидалар мустаҳкамланди.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни давлатимизнинг айнан бола ҳуқуқлари ва унинг ҳимоясига оид сиёсатини янада аниқ-равшан белгилаб берди. Жумладан, Қонуннинг 4-моддаси бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатига бағишланиб, унда бу борадаги асосий йўналишлар ўз ифодасини топган. Яъни бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлиғини, шаъни, қадр-қимматини муҳофаза қилиш; болалар ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини, бунда давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг очиқлиги, ошкоралигини таъминлаш масалаларига ойдинлик киритилди. Бу борада давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ўғил-қизларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий ривожланишига кўмаклашиш, улар қалбида ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришга оид қоидалар ҳам мазкур қонунда ўз аксини топди. Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритадиган кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг камайишига, ювенал (вояга етмаганлар ҳуқуқи) тизимни ташкил қилиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш каби меъёрлар ҳам белгиланди.

Қонуннинг 6-моддаси бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки масаласига бағишланди. Унга мувофиқ, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя қилишда кўмаклашади, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдамлар кўрсатади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари: бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиши; бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва халқаро ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши мумкин».

Давлатимизнинг юрт келажаги бўлмиш ёш авлод тарбиясида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига билдираётган бундай юксак ишончи, шубҳасиз, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига тўла мосдир. Қолаверса, ёш авлод тарбиясида мамлакатимизда ўзига хос ноёб тажриба — «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигининг изчил йўлга қўйилгани қатор ижобий натижаларни туҳфа этмоқда. Бугунги глобаллашув жараёни ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини янада ошириш, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаётган мазкур ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш, такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари қошида Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар ҳам фаолият юритмоқдаки, уларнинг ҳам асосий мақсади фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб улғайишлари учун замин ҳозирлашдан иборатдир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан юқоридаги Конвенция қоидалари бажарилиши учун махсус чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга асосан, биргина Хоразм вилоятида келажагимиз ворисларининг маънавий-маърифий тарбиясини кучайтириш, уларни жиноий эксплуатациядан ҳимоялаш мақсадида йил давомида 1286 та тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди.

Воҳа туманларида ўғил-қизлар онгига миллий анъана ва қадриятларни сингдириш, эл-юрт шаънини ардоқлашга йўналтирилган 324 та тадбир ўтказилди. Йиғинлар қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар иш фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани эса, фарзандларимизни ёт ғоялар, диний ақидапарастлик домига тушишининг, жиноят кўчасига кириб қолишининг олдини олмоқда.

— Хоразмнинг ҳар бир маҳалласида «Ота-оналар университетлари» тизимли фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, маҳалла кенгашлари ҳузуридаги Ёшлар ресурс марказлари ҳам болажонлар ихтиёрида, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими бошқаруви раиси Қ.Дўстматов. — Бўлимимиз ушбу ишларнинг асосий ташкилотчиси. Жумладан, Соғлом бола йилида ҳудуддаги болалар кутубхоналари фаолиятини қайта ташкил этишга кўмаклашдик. Маҳалла фаолларига ҳар бир оила билан ишлашда услубий кўмаклар берилди. Тарғиботларга 24564 нафардан зиёд ота-она қамраб олинди. Нотинч оилаларда тарбияланаётган вояга етмаганларга маҳалла маслаҳатчиси, посбонлар, таълим муассасалари ходимлари бириктирилди. Бундай муҳитда ўсаётган болаларнинг дарсларни сабабсиз қолдирмаслиги, ўқув қуроллари билан таъминлангани тўлиқ назоратга олинди. Фарзанди тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган 17 нафар ота-она билан индивидуал суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг ўғил-қизлари турли тўгаракларга жалб этилди.

Ҳа, бундай хайрли ишлар юртимизда йил-ўн икки ой муттасил давом этади. Ёзги таътилда ҳар бир боланинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун диёримиздаги баҳаво оромгоҳларда бугун ҳаёт қайнаган. Фонд мутасаддилари эса кам таъминланган оилалар фарзандларининг муносиб дам олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун кўплаб хайрия амалларини бошлаб юборишган.

Мамлакатимиздаги бундай ўзгаришлар, миллий қонунчилигимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар бола ҳуқуқлари ҳимоясини такомиллаштириш борасида бажарилаётган ишлар самарасини беряпти. Ўз навбатида, бу жараён тинимсиз ривожланмоқда. Зотан, Президентимизнинг таъбири билан айтганда, соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир.

КАСАНАЧИЛИК — БАНДЛИКНИНГ ҚУЛАЙ ЕЧИМИ

# Уй бекаси машғул бўлган мақбул юмуш

***Бағдод туманида жойлашган Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги «Чўринди» маҳалласидан Барнохон Ҳамдамова фарзанд тарбияси, рўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда, оиласига қўшимча даромад топиш мақсадида иш сўраб йиғин раисига мурожаат қилди. Фаолларнинг кўмагида у маиший хизмат кўрсатиш уйига касаначи сифатида жалб этилди.***

**Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**



Кейинчалик фаолиятини кенгайтириш ва мустақил иш бошлашга қарор қилган Барнохон Ҳамдамова йиғин фаоллари ёрдамида ҳудуддаги қаровсиз бинони таъмирлаб, касаначилик асосида тикувчилик тармоғини ташкил этди. Натижада маҳалланинг 10 нафар хотин-қизи ишли бўлди.

Айни пайтда чеварлар туман маиший хизмат кўрсатиш уйи ходимлари учун махсус кийим-бош тикишмоқда. Тадбиркор яқинда фаолият турини кенгайтириб, болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга киришди. Бунда туман маиший хизмат кўрсатиш уйи раҳбари касаначи тадбиркорга замонавий тикув машинаси ва жиҳозлари харид қилишга яқиндан кўмаклашаётир. Бизнес-режа амалга ошса, яна ўн нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланади.

Бундан ташқари, мазкур маҳалладан Моҳигул Каримова, Ҳилола Холдорова, Нилифар Қосимоваларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Улар нафақат оиласининг иқтисодий фаровонлигини ошириш, балки ёшларга ҳунар ўргатиш, аёллар бандлигини таъминлашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

— Ҳудудимизда ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида қатор ишларга қўл урилаётир, — дейди Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Расулжон Қамбаров. — Бунда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган «Маслаҳат маркази» ҳамда Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларга маслаҳат ва амалий ёрдам беришяпти. Айниқса, касаначилик асосида ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши уйда ўтирган, фарзанд тарбияси билан машғул бўлган аёлларга қўл келмоқда. Аввало, улар иш стажига эга бўлиб, меҳнат ва солиқ қонунчилигига оид барча имтиёз, имкониятлардан тўлиқ фойдаланишаётир.

Аҳоли бандлигининг қулай ечими бўлган ушбу меҳнат турининг ривожланиши натижасида кейинги йилларда оилавий ажрим, аёллар ўртасида жиноятчилик, хорижга иш излаб кетиш ҳолатлари кузатилмаяпти.

«Бағдоддонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда пахтани қайта ишлаш корхонаси йиғин билан ҳамкорлик ўрнатганига ҳам бир неча йил бўлди. Айни кунларда маҳалланинг йигирма нафарга яқин касаначиси буюртма асосида ишчилар кийими, турли парда, чойшаб, қўлқоплар тикишяпти. Хомашё корхона томонидан етказиб берилади. Ишчиларга тиккан буюмларининг сифати ва сонига қараб маош белгиланган. Улар ҳам корхонадаги асосий ходимларга берилган имтиёзлар, яъни тиббий хизмат, моддий ёрдам ва бошқалардан тўлиқ фойдаланишаётир.

Жорий йилда «Бағдоддонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти касаначилик йўналишида яна ўнта янги иш ўрни яратиб, қишлоқдаги касб-ҳунар коллежи битирувчи қизлари бандлигини таъминлади.

МУЛКДОР ОИЛА

# Тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳар соҳада қўл келмоқда



< [1]

Оилавий корхона айни пайтда тармоқни янада ривожлантириш ниятида. Китоб тумани марказида балиқ савдоси дўконини очишни режалаштирган оилавий корхонада қишлоқдаги кам таъминланган оилаларнинг 5 нафар фарзанди доимий иш билан банд.

Косон туманидаги «Зебу-зар сайқал» хусусий корхонаси ҳам дастлаб «Мулкдор оила» лойиҳасида иштирок этгач, фаолиятини бошлаган эди. Бугун корхона кенгайтирилиб, 30 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Корхона раҳбари Шерзод Ҳусенов ишбилармон, ака-укалари устачиликда анча уқувли. Бундан ташқари, маҳалладаги уста дурадгорлар ҳам корхонага жалб этилган. Дастлаб эшик, ром ясаш йўлга қўйилиб, кейинчалик турли мебеллар тайёрланиб, сотувга чиқарилди. 79 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит корхонани техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлашга йўналтирилди. Шу билан бирга хорижда ишлаб чиқарилган умумий қиймати 26 миллион сўмлик мебель ясаш ускуналари сотиб олинди. Корхонада 5 нафар коллеж битирувчиси ҳам иш билан таъминланди. Ишчилар томонидан буюртма асосида тайёрланаётган уй жиҳозлари, юмшоқ мебеллар, ошхона ва офис жиҳозлари, китоб жавонлари харидорларга манзур бўлмоқда. Аҳолининг мебелларга талаби ортиб бораётганини инобатга олиб, жамоа келгусида ишлаб чиқариш кўлами ва самарадорлигини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, безак беришнинг мураккаб усулларини амалиётга жорий қилишга интилаётир.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллаларда ҳамкор ташкилотлар иштирокида амалга оширилаётган «Мулкдор оила» лойиҳаси оилавий бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳурматли юртдошлар!

«Асака» банк (ОАЖ)

*қуйидаги миллий ва хорижий валюталардаги муддатли омонат турларини таклиф этади:*

миллий валютада:

**«ТАЪТИЛ — 2014»**

*Омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

**«БАРАКАЛИ»**

*Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.*

**«ИМТИЁЗЛИ»**

*Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловларига) йўналтирилади.*

**«СОҒЛОМ АВЛОД»**

*Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

хорижий валютада:

**«ШОДИЁНА»**
**(АҚШ долларида)**

*Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади.*

**«СТАБИЛЬНЫЙ-1»**
**(ЕВРОда)**

*Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) 90 дан ортиқ турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар номи: | Телефон рақамлари: | Филиаллар номи: | Телефон рақамлари: |
|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 226-91-45 |
| Автотранспорт филиали | 371 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 770-24-09 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 573-18-75 |
| Юнусобод филиали | 371 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 223-70-05 |
| Сирғали филиали | 371 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 298-02-10 | Афросиёб филиали | 366 221-75-40 |
| Асака филиали | 374 233-15-68 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 770-60-56 |
| Марғилон филиали | 373 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 226-96-03 |
| Олтиариқ филиали | 373 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 552-61-06 | Жиззах вилоят филиали | 372 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!**

Сизнинг омонатларингиз:
*— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
*— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
*— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
*— миқдори чекланмаган!*

**«Асака» банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

*Хизматлар лицензияланган.*